

Qishloq hayoti

2014 йил Соғлом бола йили

Qishloq ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2014-YIL 9-OKTABR, PAYSHANBA, 120 (8357)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.



Зухриддин УМУРЗОКОВ (ЎзА) олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МДҲ САММИТИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2014 йил 9-10 октябрь кунлари Минск шаҳрида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

САҲИФАЛАРДА:

САЙЁҲЛИК ИМКОНИАТЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

Пойтахтимизда “Ипак йўлдаги туризм” ХХ Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси яқунланди

2

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАС, ҲЕЧ ҚАЧОН КАМ БЎЛМАЙДИ

Жанубий Кореянинг Инчон шаҳрида бўлиб ўтган XVII ёзи Осие ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари спортнинг 31 турида иштирок этиб, 44 медаль, яъни 9 олтин, 14 кумуш ва 21 бронза медални қўлга киритди

4-5

ОБУНА — 2015



Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий жабҳаларда кенг кўламда олиб борилаётган ислохотлардан, халқимизнинг бой маънавий мероси, аънаналари ва қадриятларини тарғиб этиш борасидаги саъй-ҳаракатлардан изчил хабардор бўлиб боришни хоҳлайсизми?

Аграр соҳадаги қимматли тажрибалар, фидойи инсонларнинг ажойиб меҳнат муваффақиятлари, фан-техника, спорт ва бошқа соҳалардаги янгиликлар ҳақида билишни истайсизми?

Сизни хориж деҳқончилигидаги ўзгаришлар қизиқтирадими?

2015 йил учун “Qishloq hayoti” газетасига обуна бўлсангиз, юқорида таъкидланган мавзулар билан доимий равишда танишиб бориш имкониятига эга бўласиз.

Обуна газета таҳририяти, обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул, пластик карточка орқали тўлов ҳамда пул ўтказиш йўли билан амалга ошириш мумкин.

НАШРИМИЗ ИНДЕКСИ: 144



«ИНСОН
ҲУҚУҚЛАРИ
ЖУРНАЛИСТ
НИГОҲИДА»

8

Тошкент шаҳрида 8 октябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар бош прокурорларининг ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтди.

ШХТГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР БОШ ПРОКУРОРЛАРИ МАЖЛИСИ

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси бош прокурорлари ҳамда прокуратура органлари раҳбарлари иштирок этди.

Тадбирда ШХТда кузатувчи мақомига эга Хиндистон Республикаси, Эрон Ислом Республикаси, Мўғилистон вакиллари, шунингдек, ШХТ Бош котиби Дмитрий Мезенцев, ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия кўмитаси директори Чжан Синьфэн қатнашди.

Мажлис Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Рашидjon Қодиров раислигида ўтди. Унда бош прокурорларнинг йиллик мажлиси ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг халқаро терроризм ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа хавфли кўринишларига қарши кураш соҳасида ҳуқуқий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустақамлашга доир қарорларини амалга оширишнинг самарали механизми экани таъкидланди. Навбатдаги мажлис бу соҳадаги қўшма қарорларнинг ижроси билан боғлиқ жараёнларнинг давоми бўлди.

Тадбирда ШХТга аъзо давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш тузилмалари ҳамкорлигининг истиқболли йўналишлари муҳокама этилди.

Мажлис иштирокчилари ШХТга аъзо давлатлар прокуратура органлари томонидан тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, табиатни муҳофаза қилиш соҳаларидаги қонунчилик ижроси устидан назоратни амалга ошириш масалалари бўйича ахборот алмашди. Шунингдек, жиноий йўл билан топилган даромадларни аниқлаш, мусодара қилиш ва уларни тегишли давлатларга қайтариш юзасидан ташкилотга аъзо давлатларнинг қонунчилик ҳужжатлари ва амалиёти таҳлилининг натижалари ҳам муҳокама этилди.

Мажлис якунида ШХТга аъзо давлатлар делегация раҳбарлари томонидан тегишли Протокол имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси ва Мўғилистон Бош прокураторлари делегацияларининг икки томонлама учрашувларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

ЎЗА

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигида Фуқаролар мудофааси халқаро ташкилоти бош котиби В.Кувшинов билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда замонавий жамиятнинг янада саноатлашуви, ишлаб чиқариш технологик жараёнларининг модернизация қилиниши техноген ва табиий сабаблар билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг рўй бериши эҳтимолига таъсир кўрсатаётгани таъкидланди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида фавқулодда вазиятларни прогноз қилиш ва улар ҳақида олдиндан огоҳлантиришга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу мақсадда турли халқаро ташкилотлар, жумладан, Фуқаролар мудофааси халқаро ташкилоти билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Мамлакатимизда кутқариш хизматларининг юқори малакали мутахассисларини тайёрлашнинг самарали тизими ташкил этилиб, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тузилма ва бўлинмалари замонавий техника ва жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Учрашувда ушбу соҳадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Р.БОНДАРЧУК,
ЎЗА мухбири.

САЙЁҲЛИК ИМКОНИЯТЛАРИ НАМОЙИШ ЭТИЛДИ



Ёлқун ШАМСИДИНОВ (ЎЗА) олган сурат.

Пойтахтимизда “Ипак йўлидаги туризм” XX Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси якунланди. “Ўзбектуризм” миллий компанияси ва “Буюк ипак йўли” реклама агентлиги томонидан БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти кўмагида ташкил этилган мазкур анжуманда Ўзбекистон, Испания, Австрия, Швейцария, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Малайзия, Бирлашган Араб Амириклари, Таиланд, Сингапур, Чехия, Латвия, Польша, Индонезия, Эрон, Туркия каби қирқдан ортиқ мамлакатдан кўплаб сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

«Туризм ва санъатнинг ипак боғлами» шиори остида ўтказилган бу галги ярмарка иштирокчилар сони ва намоийш этилган лойиҳаларнинг турфа хиллиги, ранг-баранглиги, қизиқарли тақдимотларга бойлиги билан алоҳида ажралиб турди.

– “Ипак йўлидаги туризм” ярмаркасида бу йил бешинчи бор иштирок этдик, – деди Малайзиянинг «Tourism Malaysia» компанияси департамент директори Нормасила Мусо. – Ўзбекистонда саёҳатларни мазмунли ўтказиш ва хордиқ чиқариш учун барча имкониятлар мавжуд. Тарихий обидалар, самимий меҳмондўстлик, кўзни қамаштирувчи хунармандлик буюмлари ҳамда юртингиздаги тинчлик-тотувлик муҳити бутун дунё сайёҳларини ўзига жалб этмоқда. БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси Самарқандда ўтказилгани

Ўзбекистоннинг улкан сайёҳлик салоҳияти ва халқаро миқёсдаги нуфузи тобора юксалиб бораётганининг яна бир тасдиғи бўлди.

Ярмарка иштирокчилари соҳадаги ютуқлар, янгиликлар билан танишди. Миллий ва халқаро сайёҳлик ташкилотлари, меҳмонхона ва ресторанлар, музейлар, банк хизматлари, суғурта компаниялари ҳамда оромгоҳлар вакиллари иштирок этган ушбу ярмаркада мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ва тақлиф этилаётган хизматлар, хушманзара табиатимиз ва ноёб меъморий обидаларимиз акс этган экспонатлар, халқ хунармандлиги буюмлари кенг намоийш қилинди.

– Бирлашган Араб Амирикларидан Ўзбекистон халқининг бой маданияти, тарихи ва бугунги тараққиёти билан танишишга қизиқиш юқори, – деди Бирлашган Араб Амирикларидан

нинг «Tamani Marina» компанияси бош менежери Валид Нохел Ал-Ава. – Шу боис, ярмаркада мамлакатларимиз ўртасида сайёҳлар алмашувини янада кенгайтириш бўйича Ўзбекистоннинг қатор сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатдик.

“Ўзбекистон бўйлаб саёҳат миллий павильони” стендлари ярмарка иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Улар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларнинг сайёҳлик салоҳияти билан кенг танишди.

– Тўрт юлдузли меҳмонхонамизда сайёҳларга юқори сифатли хизмат кўрсатилади, – деди «Grand Bukhoro» меҳмонхонаси раҳбари Аҳмад Хусаинов. – Ўтган йили беш мингдан зиёд хорижлик сайёҳ ва ўн мингдан ортиқ юртдошларимизга хизмат кўрсатдик. Ярмаркада қатор туристик ташкилотлар билан ўзаро манфаатли, узоқ истиқболга мўлжалланган келишувларга эришдик.

Ярмарка доирасида мамлакатимиз туризмида янги лойиҳа – “Hosted buyers /Профессионал харидор/” дастури бошланди. Бу дастур истиқболли шериклар ва харидорлар ўртасидаги учрашувларни олдиндан белгилаш, уларга муайян имтиёзлар бериш орқали соҳада ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадбир қатнашчилари “Миллий таомлар фестивали”, “Шарқ бозори” экспозицияларида ўзбек миллий таомлари ва сархил мева-сабзавотлардан татиб кўриш, “Хунармандлар шаҳарчаси” бўлимида миллий хунармандлик буюмларини харид қилиш имконига эга бўлдилар. Ўзбек миллий либослари намоийши, миллий мусиқа ва рақсларимиз иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Халқаро ярмарка доирасида “Туризм соҳасида ижтимоий ҳамкорлик: таълим ва иш билан таъминлаш” мавзусида халқаро форум ҳам бўлиб ўтди.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида энг яхши сайёҳлик йўналиши тақдироти, компания ва меҳмонхона тақдироти, энг яхши стенд, энг яхши сервис, энг яхши дизайн, кўп йиллик ва сермахсул ҳамкорлик каби қатор йўналишлар бўйича голиблар аниқланди ва тақдирланди.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири.

Бухоро Вилояти

БИЗ БАНҚДАН, ҲАМЮРТЛАРИМИЗ БИЗДАН МАМНУН

Бир ишбилармоннинг истиқболли лойиҳаси беш-ўн кишининг рўзгорини обод этади. Тадбиркорнинг бир гоёси амалга ошса, эл турмушида нимадир ўзгаради – ободликка юз тутаяди. Боиси, уларнинг барчасида ёки хизмат кўрсатиш, ёки ишлаб чиқариш каби эзгу мақсадлар мужассамлашган бўлади.

Биз ҳам юртимиз иқтисодийоти ривожига ўз ҳиссамизни қўйиш, янги иш ўринларини яратиш мақсадида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Аммо соҳада иш бошлаб, уни ривожлантириш учун тажрибамиз етарли бўлгани билан олдимизга қўйган режаларимизни амалга ошириш учун сармоё етарли эмас эди. Шу боис, энг яқин ҳамкоримиз “Микрокредитбанк”ка мурожаат қилдик. Банкнинг Ромитан туманидаги филиали ходимлари бизнинг биз-

нес-режамизни қисқа муддатларда кўриб чиқдилар, ўзларининг қимматли маслаҳатларини бердилар ва кредит ажратиш бўйича ижобий қарор қабул қилдилар.

Молия муассасасидан ажратилган 45 миллион сўмлик сармоёга замонавий ускуналар олиб келдик, ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозирги кунда уч турдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқариб, харидорларга етказиб бераймиз.

Банқдан олинган кредит маблағларидан самарали фойдаланиши-

миз натижасида корхонамизнинг ишлаб чиқариш қуввати кенгайиб, даромадимиз кўпайиб бормоқда. Ҳозирда бир ойда икки тонна унни қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантирмақдамиз. Маҳсулотларимизнинг сифати ва мазасидан мижозларимиз мамнун.

Молиявий ҳамкоримиз бўлган “Микрокредитбанк”нинг сифатли хизматларидан мамнунмиз. Ишонимизки, унинг молиявий кўмаги ишлаб чиқариш суръатини янада ошириб, аҳоли турмуш шароитларини юксалтиришдек эзгу ниятларимизнинг рўёби йўлида хизмат қилади. Олдимизда режаларимиз кўп. Уларни амалга оширишда ҳам банк мададига суянамыз.

Амин НЕЪМАТОВ,
Ромитан туманидаги “Муҳаммад Амин ширин нон” хусусий корхонаси раҳбари.

МИЖОЗ ЭЪТИРОФИ

Ангижон Вилояти

ХОТИРЖАМЛИК БОР ЮРТДА ХИРМОНЛАР БАЛАНДА БУЛАДИ

Инсон ҳаётида унутилмас воқеалар бўлади. Уларнинг унутилмаслиги боиси шундаки, ундан ҳаётда ўзингиз учун керак бўладиган ибрат оласиз, фаолиятда муҳим йўналишларни белгилайсиз. Шу йилнинг 6 октябрь куни Юртбошимизнинг жойларда амалга оширилаётган иқтисодий-ислохотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида вилоятимизга ташриф буюриши кўплаб юртдошларимиз қатори менинг ҳаётимда ҳам унутилмас воқеликка айланди. Президентимизнинг вилоятимиздаги фермерлар, хусусан, бизнинг хўжалик билан ҳам атрофлича қизиқиши, ўзининг қимматли маслаҳатларини ва йўл-йўриқларини бериши бизни ниҳоятда хурсанд этди.

Президентимиз деҳқончиликнинг барча жиҳатларини фермерлар билан бирдек ҳис этиши, ишимизнинг оғирини ҳам, энгилини ҳам далада биз билан йил давомида юргандек тасаввур қилиши, шу боисдан, меҳнатимизни ниҳоятда қадрлаши кўнглимизни тоғдек кўтариб юборди.

Давлатимиз раҳбарининг **“Собиқ тузум даврида Ўзбекистон бутун иттифокни пахта билан таъминлаган. Лекин шунга яраша хурмат, рўшнлик кўрмаган. Халқимиз ишдан кўли совиб, ҳаётдан нумид бўлиб қолган эди. Биз ерни одамларга бериб, уларда эгалик ҳиссини шакллантириш орқали бу асоратлардан халос бўлдик. Чунки ўзимизники деган туйғу одамга куч-қувват бағишлайди”**, деган сўзлари замирида фермерлик ҳаракатининг бераётган самаралари яққол кўриниб турарди.

Бугун қишлоқ хўжалигида эришилаётган ютуқларда, одамларнинг дунёқараши ва яшаш тарзидаги ижобий ўзга-

ришларда фермерлик ҳаракатининг муносиб улуши бор.

Мен ҳам том маънода бахтини фермерликдан топган инсонлардан бириман. Хўжалигимизни ташкил этганимизга етти йил бўлди. Ўтган даврда катта тажриба тўпладик. Ҳамкасбларимиз билан ҳамжиҳат, ҳамфикр бўлиб ишладик. Айти пайтда 152 гектар майдонда деҳқончилик қиляпмиз. Жорий йилда 64 гектар майдонда ғаланинг “Андижон-4” навини парваришлаб, қабул масканларига режадаги 34 центнер ўрнига 40 центнердан сара дон етказиб бердик. Бундан ташқари, ўзимизнинг омборимиз ҳам донга тўлди. Ғалладан бўшаган майдонларга экилган такрорий экиндан олинган ҳосил ўзимиздан ортиб юрт дастурхони тўкин бўлишига хизмат қилмоқда. Пахтачилик соҳасида қўлга киритаётган ютуқларимиз ҳам қувонарли даражада. Хўжалигимизнинг барча аъзолари – механизаторлар, сувчилар, мутахассису ишчиларнинг агротехник тадбирларни ҳамжиҳатликда ўткази-



ши ҳосилдорликнинг юқори бўлишини таъминламоқда. Айти пайтгача 88 гектар пахтазордан 42 центнердан ҳосил йиғиб-теиб олдик. Унинг барчаси юқори навга қабул қилинди. Энг асосийси, 370 тонна ҳосилнинг 176 тоннаси уруғликка ўтди.

Юртбошимиз биз фермерлар билан мулоқотда **“Пахтанинг хусусиятлари, сифат кўрсаткичлари жуда кўп. Эртапишарлиги, ҳосилдорлигининг юқорилиги, толасининг узунлиги, пишиқлиги шулар жумласидандир. Пахта етиштиришда, авваломбор, ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ҳар бир худуднинг тупроғи ва иқлимига мос навларни экиш керак”** дедилар.

Фермернинг пахта экишдан кўзлаган асосий мақсади мўл ҳосил етиштириш ва юқори даромад олиш бўлади. Олим-

ларимиз томонидан кейинги йилларда яратилган навлар бизнинг туманимиз тупроқ-иқлим шароитларида етиштиришга мос, тезпишар, ҳосилдор, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, ҳақиқий маънода айтганда, деҳқонбоп навлар бўлмоқда.

Мана шундай омиллар самараси ўлароқ, йил сайин даромадимиз ошиб, қўлимиз узун бўлиб бормоқда. Ўтган йилларда ўзимиздан ортиб, 3 та чопиқ, 1 та транспорт трактори, “Клаас” комбайни ҳамда ўндан зиёд турли русумдаги техника воситалари сотиб олдик. Яқин кунларда улар сафига замонавий “Арион-630 С” трактори ҳам қўшилди. Ушбу техника кузги шудгорни мақбул муддатда ва сифатли ўтказиш имконини бермоқда. Шунингдек, ер текислаш, пушта олиш ва яхоб бериш каби агротехник тадбирлар муддати бир

неча баробарга қисқармоқда.

Даромадимиз ошиши яна бир имконият – хўжалигимизда кўшимча тармоқлар ташкил этиш, хўжалик аъзоларининг манфаатдорлигини ошириш имконини бермоқда. Асосий тармоқлардан ташқари чорвачилик, асаларичилик, иссиқхона хўжалигини йўлга қўйганмиз. Замонавий дала шийпонимиз бор.

Ҳамқишлоқларимиз бир-бирлари билан ҳамиша аҳил. Улар бугунгидек ҳосилни йиғиш вақтида ёрдамни аяшмайди. Биз ҳам ўзимиздан ортиб уларга қарашиб тураимиз.

Юртбошимиз билан бўлиб ўтган мулоқотдан сўнг ҳамқишлоқларимиз, ҳамкасбларимиз, нуруний отахон ва онахонлар билан Президентимизнинг сўзлари, айтган фикрларининг мазмун-моҳияти ҳақида суҳбатлашдик. Ушбу мулоқотдаги қимматли фикрлар, кўрсатилган йўл-йўриқлар фаолиятимизда муҳим аҳамият касб этади. Суҳбатлар давомида қайта-қайта таъкидланганидек, бугун эришаётган ютуқларимизнинг асосий омили – юртимиздаги тинчлик ва хотиржамликдир. Нуруний отахону онахонларимиз ана шу тинчликни асраб турган Юртбошимизга миннатдорлик билдирдилар. Уларнинг оппоқ пахта далаларимизга қараб айтган сўзларида катта ҳаётли ҳақиқат мужассам эди: хотиржамлик бор юртда хирмонлар баракали бўлади.

Қахрамон САТТОРОВ,
Олтинкўл туманидаги
“Ҳосил меҳнат кўрки”
фермер хўжалиги раҳбари.

Қашқадарё Вилояти

ҲОСИЛДОРЛИК ҲАМ, ДАРОМАД ҲАМ ОШМОҚДА

Бу йил Касби тумани пахтакорлари йил давомида қилинган меҳнатлари самарасида мўл пахта ҳосили етиштиришди.



– Жорий йилда 52 гектар майдонда “Бухро-8” ғўза навини парваришладик, – дейди тумандаги “Илёс Турдиев” фермер хўжалиги раҳбари Омонжон Илёсов. – 40 центнердан ошириб ҳосил олишни кўзлаб турибмиз. Айти пайтгача 120 тоннадан ортиқ ҳосил йиғиб олиб, қабул масканлари билан тузган шартнома режасини ортиғи билан адо этдик. Энг муҳими, ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди. Бу даромадимизнинг ҳам юксалишидан далолатдир.

Нафақат туманда, балки вилоятда ҳам илғор жамоалардан ҳисобланган ушбу хўжалик далаларида ҳали ҳосил мўл. Шу боис, хўжалик аъзолари бодрокдек очилган пахтазорда йи-

гим-терим ишларини уюшқоқлик билан олиб боришмоқда.

– Меҳнат қилишимиз учун барча шароитлар яратилган, – дейди хўжалик ишчиси Ўғилой Зиёдуллаева. – Бу эса бизнинг унумли меҳнат қилишимизда муҳим омил бўлаёттир. Ҳосилни тез ва тоза йиғиштириб олиш мақсадимиз. Хўжалигимизнинг барча аъзолари бирдек фидойилик билан меҳнат қилишмоқда.

Шаҳрисабз туманида ҳам пахтакорлар мўл ҳосил етиштириб, эл хирмониға муносиб улуш қўшишмоқда. Айти пайтгача улар уйган хирмон 16 минг 500 тоннадан ошиб кетди. Ҳосилдорлик ўртача 31,2 центнерни ташкил этмоқда. Далалардаги мўл ҳосил ҳали хирмоннинг янада юксалишидан дарак бермоқда.

– Бу йил 21 гектар майдонда “Наманган-77” ғўза навини парваришладик, – дейди тумандаги “Юсупов Сафар Юсупович” фермер хўжалиги бошлиғи Сафар Юсупов. – Шу кунгача 90 тоннага яқин ҳосил олдик. Ҳосилдорлик ҳар гектар майдондан ўртача 42 центнерни ташкил этмоқда. Мақсадимиз ҳосилдорликни 45 центнерга етказиш.

– Биз эса ҳосилдорликни 43 центнерга етказдик, – дейди яна бир фермер Абдувоит Турсунпўлатов. – Йиғим-теримда маҳалламиз фаоллари, маҳалладошларимиз бизга кўмакдош бўлишди. Уларнинг шижоати билан ҳосилни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиштириб олдик.

Шаҳрисабзлик пахтакорлар жорий йилда юксак хирмон яратиб, мўл ҳосил етиштиришда барчага намуна бўлишмоқда. Демак, пахтачиликдан келадиган даромад ҳам юқори бўлади.

Хусан ТЕМИРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

Наманган Вилояти



ҲАМЖИҲАТЛИК – МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ

Тўрақўрғон туманидаги Абдурасул Ваҳобов раҳбарлик қилаётган “Мустанг замин юлдузи” фермер хўжалиги аъзолари пахта далаларида биринчи теримнинг ўзидан ўртача 36 центнердан ҳосил олишди.

– 22 гектар майдонда ғўзанинг “Наманган-77” навини парваришладик, – дейди фермер. – Хўжалик аъзолари, айниқса, механизатор Бахтиёр Каримов, сувчилар Собиржон Акбаров, Давронбек Тоиров, Абдуҳоди Оймирзаев ҳамда Масто-на Мансурова, Муҳаббат Каримова, Маъмура Тоирова каби ишчилар жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилишди. Ғўза парваришидаги барча агротехника қондаларига қатъий амал қилиш, дала юмушларини ўз вақтида, айти пайтда сифатли этиб бажариш муваффақиятлар омили ҳисобланади. Фермер хўжалигимиз аъзолари орасида деҳқончиликка меҳр қўйиб, далага яхши ниятлар билан чиқаётган кишилар кўпчиликини ташкил этади. Уларнинг ҳамжиҳатликда қилаётган меҳнатлари туфайли ҳар йили пахта ва ғаллачиликдан яхши натижаларга эришиб келяпмиз.

СУРАТДА: Иномжон Набиев номли ММТП раҳбари Зоҳиджон Ҳамроқулов “Мустанг замин юлдузи” фермер хўжалиги аъзолари даврасида.

Маъмур МУСУЛМОНОВ олган сурат.

СОҒЛОМ ОИЛА мевасти



Соғлом фарзандни вояга етказиш, унинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашига эришиш – ота-онанинг энг эзгу орзусидир. Бинобарин, бола ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом ва бақувват бўлсагина ота-онаси истакларини рўёбга чиқаришга қодир бўлади. Боланинг ҳар томонлама соғлом бўлиб шаклланиши эса бир қатор даврларни ўз ичига олади. Хусусан, боланинг соғлом ривожланишида муҳим омил бўлган ҳомила даврига тўхталамиз. Тошкент Тиббиёт Академияси олий тоифали шифокори, гинеколог Гулнора ДАДАМУҲАМЕДОВАни шу мавзуга оид суҳбатга чорладик.



– Аввало, боланинг соғлом туғилиши асосан нималарга боғлиқлиги ҳақида тўхталсангиз. Айниқса, ёш келинчак катта орзулар билан биринчи фарзандини кутади. У бўлажак она сифатида нималарга кўпроқ эътибор бермоғи керак?

– Бўлажак онанинг ҳомиладорлик ҳақидаги тушунчага тўлиқ эга бўлиши ҳомиланинг тўғри ривожланиши ва фарзандининг соғлом бўлиб дунёга келишига ёрдам беради. Соғлом боланинг туғилиши, унинг келажақдаги саломатлиги биринчи навбатда, онанинг соғлиғига боғлиқ. Аввало, бўлажак онанинг организми нормал етилган, ривожланган ва керакли витаминлар билан тўйинган бўлиши шарт. Ҳомиладор аёл ҳар жиҳатдан, хусусан, рухий томондан ҳам ўзини эҳтиёт қилиши лозим. Чунки ҳомиладор аёлнинг руҳияти ўта таъсирчан ва ўзгарувчан бўлади. Бу пайтда ҳамма нарсага асабийлашиш, оғир юк кўтариш ҳомилага салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Психологларнинг таъкидлашича, яхши кайфият ва эртанги кунга ишонч инсон саломатлигининг ижобий томонга ўзгаришига олиб келади. Имкон қадар чиройли нарсаларни харид қилиш ва кўнгилга ёқувчи мусиқа тинглаш ҳам ҳомиладор аёлнинг руҳиятига ижобий таъсир этиб, унинг асабини тинчлантиради. Шуни унутмаслик керакки, онага таъсир этган ҳолат бевосита болада ҳам акс этади. Она истемол қилаётган овқатнинг мазасини ҳомила ҳам ҳис эта бошлайди.

– Ҳомиланинг ривожланиш босқичлари ва унинг қай ҳолатда кечиши ҳақида айтиб ўтсангиз.

– Бола она қорнида пайдо бўлган пайдан бошлаб, унга эътибор ва ғам-хўрлик билан муносабатда бўлиш ке-

рак. Боланинг она қорнидаги ҳаётининг илк ҳафтасидаёқ унинг аъзолари ривожлана бошлайди, бу эса кўп нарсага боғлиқ. Шу боис, боланинг она қорнидаги пайтида ривожланиш даври ўта муҳим саналади. Ҳомиладорлик жараёни тиббиёт тилидаги ҳисобда 10 акушерлик ой, умумий ҳисоб-китоб календари ҳисобида 9 календар ой, кун ҳисобида 280 кун ва ҳафта ҳисобида 40 ҳафта давом этади. Ҳомиладорлик даври 3 триместрдан иборат бўлади. Биринчи триместрда ҳомила 12 ҳафта, иккинчи триместрда 24 ҳафта ва учинчи триместрда 25-40 ҳафтагача бўлади. Ҳар бир давр аёл ва ҳомила организмида маълум бир ўзгаришларни ва шунга мос муносабатни тақозо этади. Бироқ ҳомиладорликнинг 1-3 ва 7-8 ойларида аёл ўз саломатлиги, ейиш-ичиш ва турмуш тарзига ниҳоятда эътиборли ва аҳамиятли бўлиши даркор. Чунки бу даврларда бола тушиш хавфи ва муддатидан олдин туғилиш ҳолати юзага келиш эҳтимоли юқори бўлади.

– Кўпчилик оналар азият чекадиган “Токсикоз” – бошқоронғулик жараёни кўплаб асабий ҳолатларга олиб келади. “Токсикоз” болага салбий таъсир кўрсатиши мумкинми? Амалиётда бу нечоғлик ўз ибботини топган?

– “Токсикоз” ҳомиладорликнинг дастлабки босқичида намоён бўладиган ҳолсизлик бўлиб, ҳомиладор аёл организмида кўплаб гормонал ўзгаришларнинг содир бўлиши натижасида юзага келади. Онанинг овқат ҳазм қилиш тизимидаги айрим муаммолар сабаб кўнгила айниши, ҳолсизлик ва жигилдон қайнаши каби ҳолатлар келиб чиқиши мумкин. Мазкур жараён ҳомиланинг дастлабки 3 ойигача да-

вом этади. Бунда аёл кўп қайт қилиб, керакли микроэлементларни етарли миқдорда ҳазм қила олиши қийин кечади. Бундай вазиятларда аёл ҳомиладорлигидан хафа бўлиб сиқилиши мумкин эмас.

– Ҳомиладор аёл доимий равишда шифокор назоратида бўлиш-бўлмаслиги қанчалик аҳамиятга эга?

– Бугунги кунда техниканинг жадал ривожланиши тиббиёт соҳасида ҳам кўплаб қулайликлар яратди. “Допплерография”, “УЗИ” каби аппаратлар ҳомиладор аёлнинг саломатлиги ва қон айланиш тизимини текширишда яхши самара бermoқда. Айни пайтда ёмон экологик муҳит таъсирида инсонлар саломатлигида қатор муаммолар келиб чиқмоқда. Ҳомиладор аёллар соғлиғи эса янада эътиборталаб бўлиб, танадаги айрим муаммолар – қон камлиги, йод танқислиги ҳомилага салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Йод етишмовчилиги боланинг ақлий ривожланишига жиддий таъсир кўрсатса, қон камлиги ҳомилага озик моддалар, айниқса, ксилород яхши этиб бoрмаслигига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли, аслида жуда соғлом аёлларни ҳам ҳомиладорликда назорат қилиб, ҳолатлари га кўра тавсиялар бериб туриш муҳимдир. Ҳомиладор аёлнинг умумий қон таҳлили қонда гемоглобин моддасининг миқдори камайиб кетганини кўрсатса-да, бироқ унинг асоратлари сезилмаслиги мумкин. Бу вазиятда асосан таркиби темир моддасига бой озик-овқатларни кўпроқ истемол қилишлари тавсия этилади. Агар камқонликнинг бош айланиш, ҳолсизланиш аломатлари намоён бўлса, тез сўриладиган дорилар қабул қилган маъқул. Баъзи оналар ҳомиладорлик даврида антибиотикларни қабул қилиш мумкин эмас, деб

ўйлаб касалликни кучайтириб юборишади. Агар она ўша пайтда дориларни қабул қилса, болани шу касал ва инфекциялардан ўз вақтида ҳимоя қилган бўлади.

– Шубҳасиз, бола ҳаётининг ҳар бир даври жуда муҳим ва ўзига хос хусусиятларга эга. Шундай экан, туғуруқдан сўнг чақалоқнинг соғлом бўлиб улғайишида ёш оналар нималарга эътибор бериши керак?

– Чақалоқлик даври 28 кундан иборат. Бу пайтда болага меҳр-муҳаббат, тозалик ва меъёрий озик талаб этилади. Айниқса, бола туғилганиданонг унга она сутини беришнинг фойдали жиҳатлари кўп. Чунки эндигина туғилган гўдак стерилланган муҳитдан ўзи учун нотаниш бўлган, салбий таъсир кўрсатувчи турли микроорганизмларга бой оламга кириб келади. Аммо у онасининг ёнида ўзини яхши ҳис қилади. Кейин унга кўкрак тугилади. Бунинг энг афзал томони шуки, она туққанидан сўнг пайдо бўладиган биринчи оғиз сути таркибида лактобифидобактериялар бўлади. Бу модда гўдақнинг ичагини юпқа ҳимоя қатлами билан ўрайди ва шу тарзда унинг организмига патоген флора кириб келишига тўсқинлик қилувчи ҳимоя муҳитини яратади. Агар биз гўдакка туғилганидан кейин кўкрак сути бермасдан, сув, глюкоза ичиришга ҳаракат қилсак, бу билан унга бошқа флорани олиб кирган бўламиз. Натижада бола организм турли инфекцияларга нисбатан таъсирчан бўлиб қолади.

Чақалоқ туғилиши ҳар бир оиланинг бахти ва қувончи. Туғилажак боланинг соғлом ўсиши ва ривожланиши учун эса онанинг саломатлигига ҳар биримиз масъулмиз.

Феруза НАБИЕВА
суҳбатлашди.

ОИЛАНГИЗДА ҚИЗ УЛҒАЙМОҚДА...

Ҳар бир инсон ҳаётида оила муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, оила қуриш ва уни мустаҳкам сақлаш кишидан катта масъулиятни талаб этади. Қуйида оила пойдевори ҳисобланган қиз болани ўстириш, уни тарбиялаш, оила қуришга тайёрлаш борасидаги айрим мулоҳазаларни билдиришни лозим деб топдик.

Қиз болани авайлаб ўстириш ва унга яхши тарбия бериш биринчи галда онанинг вазифаси ҳисобланади. Чунки она оилада том маънодаги маънавий маслаҳатчидир. Шу сабаб, ўғил ҳам, қиз ҳам дардини, аввало, онага айтади. Унинг маслаҳати бўйича иш тутади. Ана шундай масъулиятли дамда онанинг ҳар бир сўзи, ўғит ва маслаҳати ёшлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш

жоизки, оила қуриш мураккаб ва масъулиятли жараён. Айниқса, қиз бола учун. Ана шу жараёнда унинг адашиши, хато қилиши, шошма-шошарлик билан бирор бир хулосага келиши мустақил ҳаёт йўлини тўғри танлашида панд бериши мумкин. Шу пайтда қиз болага оналар энг тўғри, мақбул йўлни кўрсатиши зарур. Албатта ҳар бир она фарзандига ёмонлик тиламайди. Ўз жигаргўшаси,

яъни қизининг бошқа оилага бориб қўним топиши учун бор маҳорати, турмуш тажрибаси, бошқача айтганда, оила деб аталмиш муқаддас қўрғонни авайлаб-асраш борасидаги донолигини ишга солишга ҳаракат қилади.

Чунки оила барқарорлиги кўп жиҳатдан қиз боланинг уйдаги тарбиясига боғлиқ. Бироқ ҳозирги пайтда айрим оналарнинг қизлар тарбиясига совуққонлик билан қараш ҳолатлари ҳам учраб турибди. Бундай аёллар “Болам қийналмасин, ўз уйида яйраб қолсин”, деб қизларига уй-рўзғор юмушларини тўла-тўқис ўргатмайди. Шунингдек, ҳурмат-иззат, сабр-қаноат борасида ҳам насихат ва маслаҳатлар бермайди. Бунинг ўрнига балоғат

ёшига етган қизларга қимматбахо сеп йиғиш, ясан-тусан қилиб кийинишларини таъминлашга зўр беришади. Вақти келиб, ўзга хонадонга келин бўлган қиз оддий уй-рўзғор юмушларини бажаролмай, мулзам бўлиб қолади. Натижада уйда ҳар хил оилавий келишмовчилик ва жанжаллар юзага келади. Айрим ҳолларда эса иш ажримга етиб боради.

Яна бир долзарб муаммо шундан иборатки, ҳозирда баъзи ота-оналар қизларини балоғат ёшига етмасдан турмушга беришмоқда. Улар жойлардаги фуқаролик ҳолатлари далолатномаларини ёзиш бўлимига ҳам мурожаат қилмай, Оила кодексига зид равишда қизларни турмушга

узатиб юборишмоқда. Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: Хўш, ҳали балоғатга етмаган фарзандимизнинг бахтига нега ўзимиз зомин бўламиз, нега носоғлом болалар туғилишига билиб-билмай ша роит яратиб берамиз? Ўз вақтида ФҲДЁ бўлимига ариза бериб, тиббий кўрикдан ўтиб, қонуний никоҳни қайд этган ҳолда турмуш қуриш ҳар кимнинг ўзи учун фойда-ку, аслида.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, оилада ҳар бир ота-она ўз фарзандининг эртанги кунни саодатли бўлиши, наслининг соғломлиги учун зиммасидаги вазифаларга ўта масъулият билан қарashi, бу борада асло беъэтибор бўлмаслиги лозим.

М.НОРМАТОВ,
Самарқанд тумани
2-сонли давлат нотариал
идораси нотариуси.

ОБЩЕЕ УВЕДОМЛЕНИЕ О КОНКУРСНЫХ ТОРГАХ

Краткое описание проекта:

Инвестиционная программа жилищного строительства для комплексного развития села является многоотраслевой программой, нацеленной на достижение всеобъемлющего роста посредством улучшения уровня жизни и благосостояния в сельских местностях. Программа направлена на возведение современного сельского жилья и улучшение инвестиционного климата в сельской местности в качестве предпосылок для улучшения условий жизни людей и создания новых рабочих мест. Она состоит из нескольких траншей, нацеленных на оказание содействия в финансировании доступного кредита на приобретение нового современного жилья для заемщиков со средними и низкими доходами (молодые семьи, семьи впервые приобретающие дом, учителя и работники здравоохранения [две профессии, в которых предпочтение будет оказываться женщинам]) другие квалифицированные специалисты (заемщики) в рамках программы (Компонент 1). В 2015 году 12 000 современных домов будут построены в сельской местности по всей республике, из которых 1100 финансируются со стороны ИБР, в рамках Компонента 1. Мультигрантовое финансирование (МТФ) также способствует укреплению потенциала органов государственной власти на местах (хокимиятов), в реализации комплексных планов развития села и инвестиционных стратегий развития, нацеленных на создание новых рабочих мест (Компонент 2), а также укреплению благоприятных условий для субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства, осуществляющих свою деятельность в селе (Компонент 3). Участвующие коммерческие банки (УКБ) отвечают за реализацию

проекта в части Компонента 1 и ответственны за обеспечение ипотечного финансирования заемщикам в рамках Программы. Для Транша 3, ОАКБ "Кишлок Курилиш Банк" и Национальный банк внешнеэкономической деятельности Республики Узбекистан являются участвующими банками. Министерство экономики Республики Узбекистан отвечает за реализацию Программы в части Компонентов 2 и 3.

Краткое описание закупаемых работ:

В рамках Транша 3 МТФ в конце 2014 года будут организованы торги на заключение договоров подряда на общую сумму около 2,160 млрд. сум. Предметом проводимых конкурсных торгов будет приблизительно 1200 конкурсных пакетов, каждый около 1,800 млн. сум, включающий в себя строительство 10 индивидуальных жилых домов. Проектная документация подготовлена областными проектными организациями и основана на утвержденных типовых проектах, разработанных проектно-исследовательским институтом "Кишлок Курилиш Лойиха" и утвержденных Государственным Комитетом Республики Узбекистан по архитектуре и строительству.

Инжиниринговая компания "Кишлок Курилиш Инвест" совместно со структурными подразделениями местных хокимиятов по вопросам строительства является ответственной за проведение торгов и мониторинг процесса строительства. Закупка работ и услуг в рамках программы будет осуществляться в соответствии с Руководством по закупкам Азиатского банка развития (АБР). Сводная информация по 1200 пакетам предложений содержится в приведенной ниже таблице.

Регион	Количество домов	Количество контрактов	Предполагаемая дата объявления о торгах
Республика Каракалпакстан	650	65	Ноябрь 2014 - Апрель 2015
Андижан	1060	106	Ноябрь 2014 - Апрель 2015
Бухара	923	92	Ноябрь 2014 - Апрель 2015
Жиззах	690	69	Ноябрь 2014 - Апрель 2015
Кашкадарья	1320	132	Ноябрь 2014 - Апрель 2015
Навоий	745	75	Ноябрь 2014 - Апрель 2015
Наманган	848	85	Ноябрь 2014 - Апрель 2015
Самарканд	1235	123	Ноябрь 2014 - Апрель 2015
Сурхандарья	975	98	Ноябрь 2014 - Апрель 2015
Сырдарья	550	55	Ноябрь 2014 - Апрель 2015
Ташкент	1120	112	Ноябрь 2014 - Апрель 2015
Фергана	1019	102	Ноябрь 2014 - Апрель 2015
Хорезм	865	86	Ноябрь 2014 - Апрель 2015
Итого	12 000	1,200	

Объявления о приглашении для участия в конкурсных торгах для отдельных конкурсных пакетов будут опубликованы в областных газетах, начиная с октября 2014 года, и будут содержать подробную информацию о месте и времени проведения открытых форумов, которые пройдут в каждой области с участием заинтересованных подрядных организаций. Полный список массивов, а также копии стандартных тендерных документов могут быть бесплатно получены с официального сайта правительства Республики Узбекистан или ИК "Кишлок Курилиш Инвест": www.uztender.uz, www.gov.uz (областные хокимияты – раздел для тендеров) или www.qqb.uz (раздел "Кишлок Курилиш Инвест" по тендеру), или же могут быть получены в хокимиятах или в региональных филиалах ИК "Кишлок Курилиш Инвест" по всей Республике. После объявления о приглашении для участия в конкурсных торгах

для конкретных пакетов, пакет предложений, содержащий генеральный план, подробный проект и сводные сметы для каждой из трех моделей жилья может быть получен в филиалах ИК "Кишлок Курилиш Инвест".

Подрядчики, запрашивающие дополнительную информацию по проекту, тендерной документации, требованиям к тендерным предложениям либо процессу конкурсных торгов, приглашаются для участия в открытом форуме или могут связаться с хокимиятами или региональными филиалами ИК "Кишлок Курилиш Инвест".

Для получения дополнительной информации обращайтесь в инжиниринговую компанию "Кишлок Курилиш Инвест", по адресу:

100100 г. Ташкент, ул. Шахрисабз 36.
Телефон 147-94-01. Факс 147-94-12.
Электронная почта: qqinvest@yandex.ru

Каракалпакский филиал г.Нукус, ул. Хоким Улугбек 59А тел: 8 (361) 224-06-44	Самаркандский филиал г.Самарканд ул. Куксарой 1А. тел: 8 (366) 231-07-65
Андижанский филиал г.Андижан ул. А.Фитрат 214а. тел: 8 (374) 223-70-71	Сурхандарьинский филиал г.Термиз ул. Ф.Хужаев 32. тел: 8 (376) 221-83-56
Бухарский филиал г.Бухара ул. Наваишох 6. тел: 8 (365) 223-29-57	Сырдарьинский филиал г.Гулистан ул. Кахрамонлар аллеяси 1. тел: 8 (367) 235-01-65
Джизакский филиал г.Джизак ул. Халклар дустлиги 5. тел: 8 (372) 771-60-34	Ферганский филиал г.Фергана ул. Ал-Фаргоний 16. тел: 8 (373) 244-06-15
Кашкадарьинский филиал г.Карши ул. Насаф 18. тел: 8 (375) 223-44-38	Харезмский филиал г.Ургенч ул. Хонка 36/2. тел: 8 (362) 227-11-13
Навайский филиал г.Навай ул. Наваи 51. тел: 8 (436) 224-33-74	Ташкентский филиал г.Ташкент ул. У.Носир 53В. тел: 8 (371) 253-37-28
Наманганский филиал г.Наманган ул. Банк 9. тел: 8 (369) 227-10-74	

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ,
МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ҚУЙДАГИ
ОБЪЕКТНИ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА ПУДРАТЧИ
ТАШКИЛОТНИ ТАНЛАШ ЮЗАСИДАН ОЧИҚ ТАНЛОВ
САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳридаги вилоят Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси биносини мукамал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи: ҚҚС билан 149,064 млн. сўм, ҚҚСсиз 124,220 млн. сўм. **Курилиш муддати** – 90 кун.

Буюртмачи: Сурхондарё вилояти Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси. Манзили: Термиз шаҳри М.Қошғарий кўчаси 36а-уй. Тел.: 223-30-29, 223-30-21.

Иншоотнинг курилиш ишларини молиялаштириш – Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобига молиялаштирилган объектларда курилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун ўтказилган танлов савдоларига фақат "Курилиш-пудрат ташкилотлари реестри"га киритилган курилиш ташкилотларининг иштирок этишларига рухсат этилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйдаги шартларга: танлов савдолари предметининг 20 фоизи микдордаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл курилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганда, уларнинг танлов таклифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйдаги нарх преференциялари кўзда тутилади: танлов иштирокчиларининг таклифларини баҳолаш жараёнида танлов таклифларида четдан ишлар (хизматлар) киритилиши кўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қонунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, таклиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисоблаган ҳолда баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 апрелдаги 100-сонли қарорларига асосан ушбу объектларнинг танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Сурхондарё вилояти Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасига** қуйдаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин: Термиз шаҳри М.Қошғарий кўчаси 36а-уй. Тел.: 223-30-29, 223-30-21.

Бир тўғлам танлов ҳужжатларининг нархи – 70 000 сўм. Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Таклифлар (офёрталар) очилиши уларни матбуотда чоп этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйдаги манзилда М.Қошғарий кўчаси 36а-уйда ўтказилади.

ООО "LONG SHENG" обявляеет об уменьшении уставного фонда с 4 444 184 340,75 сум до 4 418 746 798,50 сум, в связи с выходом из состава учредителей ABDUANI AIRETI.

ООО "INTERNATIONAL BUSINESS MASTER" (ИНН 302988969) сообщает об уменьшении уставного фонда с 405 000 000 сум до 5 000 000 сум (на основании Решения единственного учредителя от 07.10.2014 г.). Претензии принимаются в течение 1 месяца с момента выхода настоящего объявления по адресу: г. Ташкент М.Улугбекский р-н проспект Мустақиллик д. 88.

Тошкент ш. Шайхонтохур т. ТСПҮИ томонидан (реестр № 007820-09, 02.10.2014 й.) рўйхатга олинган "EURO DENT STOM" МЧЖ Тошкент ш. Шайхонтохур т. ТСПҮИ томонидан (реестр № 003625-09, 08.10.2009 й.) рўйхатга олинган "SADRIDDIN STOM" МЧЖни ўз сафига биравлаштириб олишни маълум қилади. "EURO DENT STOM" МЧЖ "SADRIDDIN STOM" МЧЖнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

ООО "SUXAIL STAR AZIA" (ИНН 300973712) Чиланзарского р-на присоединяется к ООО "BARUSTO-SERVIS" (ИНН 300709642) Чиланзарского р-на путем слияния и переходим всех прав и обязательств к ООО "BARUSTO-SERVIS". Тел.: 276-60-59.

Тошкент ш. Олмазор т. ТСПҮИда (реестр № 005223-05, 29.08.2013 й.) рўйхатга олинган "INNO TECH SERVICE" МЧЖнинг Устав фонди 20 000 000 сўмдан 5 000 000 сўмга камайиши муносабати билан давволар 307-21-84 тел. орқали қабул қилинади.

Тошкент ш. Шайхонтохур т. ТСПҮИ томонидан Усмонов Фарходжон Рустам ўғлига берилган 99632 сонли 0911709 реестр рақамли яқка тартибда тадбиркорлик гувоҳномаси (патент) йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. М.Улугбек т. хокимлиги ҳузурдаги ТСПҮИда (10.12.2004 й., реестр № 000180) рўйхатдан ўтган "FURKAT VA JANONGIR TAOM" ХК (СТИР 301060004) ташкилий-ҳуқуқий шақли "FURKAT VA JANONGIR TAOM" МЧЖга ўзгартирилаётганини маълум қилади. Манзил: М.Улугбек т. Олтин тепа кўч. 378-уй. Тел.: 512-46-14.

ЧП "ROYAL CINEMA" (ИНН 302879415) Шайхантахурского р-на г. Ташкента реорганизуется путем преобразования в ООО "ROYAL CINEMA". Правопреемником является ООО "ROYAL CINEMA". Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент Шайхантахурской р-н ул. Коратощ д. 5-А.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСПҮИ томонидан (19.03.2010 й., реестр № 001781-07) қайта рўйхатга олинган "Hamza tumani bandlikka ko'maklashish va aholini ijtimoiy muhofaza qilish markazi" муассасасига тегишли бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

"FARIDA RASUL FARM" МЧЖга (ИНН 206516240) тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент тижорат техникуми томонидан 2002 й.да Эрматовна Мехриниса Нигматовна номига берилган Т № 036138 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Дочернее предприятие "CHINOZ NEFTNI QAYTA ISHLASH ZAVODI" зарегистрированное Инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Чиназского хокимията Ташкентской области 26 февраля 2010 года за реестровым № 45/2170, доводит до сведения всех заинтересованных лиц об уменьшении своего Уставного фонда с 23 521 436 159,43 (двадцать три миллиарда пятьсот двадцать один миллион четыреста тридцать шесть тысяч сто пятьдесят девять сум сорок три тийин) сум до 249 217 016,01 (двести сорок девять миллионов двести семнадцать тысяч шестьсот тридцать сум один тийин) сум (уменьшение производится на 23 272 219 143,42 сум). Все претензии принимаются в течение одного месяца с даты опубликования настоящего объявления на имя Дочернего предприятия "CHINOZ NEFTNI QAYTA ISHLASH ZAVODI" по адресу: Ташкентская область Чиназский район г. Чиназ ул. Ахунбабаева, здание Дочернего предприятия "CHINOZ NEFTNI QAYTA ISHLASH ZAVODI".



ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАС, ҲЕЧ ҚАЧОН КАМ БЎЛМАЙДИ



17th Asian Games
INCHEON 2014

Жанубий Кореянинг Инчэон шаҳрида XVII ёзги Осиё ўйинлари ниҳоясига етди. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари ушбу мусобақаларда спортнинг 31 турида иштирок этиб, 44 медаль, яъни 9 олтин, 14 кумуш ва 21 бронза медални қўлга киритди. Жамоавий баҳслар ҳисобга олинганда мамлакатимиз спортчилари жами 61 медалга (12 олтин, 14 кумуш ва 35 бронза медаль) сазовор бўлди.

Осиё ўйинларида китъамизнинг 45 мамлакатидан 13 мингдан зиёд спортчи 36 спорт тури бўйича 437 медаллар жамланмаса учун ўзаро баҳслашди. Улар орасида Олимпия ўйинлари, жаҳон ва китъа чемпионатларининг голиби ва совриндорлари кўпчилик экани мусобақаларнинг кескин ва мurosасиз кечишини таъминлади.

Осиё ўйинларида Ўзбекистондан 228 спортчи бокс, бадий гимнастика, байдарка ва каноэда эшак эшиш, дзюдо, оғир ва энгил атлетика, эркин ва юнорум кураши, сузиш, велоспорт ва бошқа спорт турлари бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди. Улар ўзларининг ёрқин чиқишлари ва эришган юксак натижалари билан Ўзбекистонда спортни ривожлантиришга давлат сийсати даражасида алоҳида эътибор қаратилаётганини яна бир бор намоёиш этди ва Ватанимиз шаънининг бутун дунёда янада улуғланишига ҳисса қўшди. Энг муҳими, Ўзбекистон спортчилари ҳеч кимдан ҳеч қачон кам бўлмагани ва кам бўлмаслигини яна бир бор исботлади.

Спортчиларимиз бундай имконият ва юксак марраларга мустақиллигимиз шарофати тўғрисида эришди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳаётимизнинг барча жабҳалари, жумладан, спорт соҳасини тубдан ислоҳ этиш борасида кенг қўлланма ишлар амалга оширилди. Кўплаб замонавий спорт иншоотлари барпо этилди ва бу ишлар изчил давом эттирилмоқда. Улар сифатли инвентар ва ускуналар билан жиҳозланмоқда, соҳа учун юқори малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Бир сўз билан айтганда, спорт ва жисмоний тарбия ёш авлодни тарбиялаш ва таълим бериш бўйича тўлиқ янгиланган

тизимнинг муҳим узвий қисмига айланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар аҳоли, айниқса, ёшлар, хотин-қизлар ва болаларни жисмоний тарбия ҳамда спорт билан шугулланишга кенг жалб этиш учун қўлай шарт-шароит яратишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда нуфузли халқаро мусобақалар – ўмирлар ўртасида спорт гимнастикаси бўйича Осиё чемпионати, тазқондо ва самбо бўйича Осиё чемпионати, эркин ва юнорум кураши бўйича жаҳон чемпионатининг юксак савияда ўтказилгани боис дунёда Ўзбекистоннинг спорт мамлакати сифатида обрў-эътибори ошиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ташкил этилган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мамлакатимизда спорт ҳаракатини янада кенгайтириш, жисмонан соғлом ва маънан баркамол авлодни тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, биз мазкур жамғарма орқали аввало соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёш наслимизни турли салбий таъсирлардан асраш, болалар спортини оммавий, умумхалқ ҳаракатига айлантиришдек олижаноб мақсадларни кўзлаганимиз. Чунки бугун унинг ўсиб келаётган фарзандларининг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуг, энг муқаддас мақсад, деб билган мамлакатгина халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаётган.

Утган вақт давомида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ушбу эзгу мақсадларга эришишга қаратилган

кўплаб лойиҳаларни амалга оширди. Жамғарманинг самарали фаолияти натижасида Ватанимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам ёшлар спорт билан мунтазам шугулланмоқда. Бунинг учун

Биз ўз олдимизга қўйган буюк марраларни эгаллаш йўлида кундалик ҳаётимизда амалга ошираётган, бутун дунёдан олаётган режа ва дастурларимиз, ўсиш суръатларимиз, кундан-кунга қиёфаси ўзгариб, куч-қудратга тўлиб бораётган гўзал ва бетакрор она юртимиз, энг муҳими, ривожланган мамлакатлардаги тенгдошлари билан тиллашув ва беллашувга тайёр бўлиб, тобора ҳал қилувчи куч даражасига кўтарилаётган сиз, азиз ёшларимиз, фарзандларимиз билан биз кўзлаган мақсадларимизга албатта эришамиз. Бунга ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.

ИслоМ КАРИМОВ


мамлакатимизда барча замонавий шарт-шароитлар яратилган.

Ўзбекистонда миллионлаб болалар ва ўсмирлар иштирокида анъанавий ўтказиб келинаётган уч босқичли узлуксиз спорт тизими – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада мусобақалари ёшларни спортга кенг жалб этиш, маҳоратли спортчиларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу мусобақалар тўғрисида мақсадларни кўзлаганимиз. Чунки бугун юртимизда таълим олаётган миллионлаб ёшлар футбол, теннис, сузиш, шахмат, кураш, бокс, гимнастика, энгил атлетика ва бошқа кўплаб спорт турларида ўз маҳоратини намоён қилмоқда. Мамлакатимиз терма жамоаларининг акасарий вакиллари ушбу ўйинларда тайёрлик мактабини ўтаб, айни пайтда йирик халқаро мусобақаларда муваф-

фақиятли иштирок этмоқда. Ватанимиз байроғини баланд кўтармоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”-ги қарори мамлакатимизда спортни ривожлантиришга катта эътибор берилаётганининг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Ушбу ҳужжатда спортчиларимизни Олимпия ўйинларига пухта тайёрлаш вазифалари, яъни спорт федерацияларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хорижий мамлакатларда мураббий ва ҳакамларнинг малака оширишини ҳамда спортчиларимизнинг ўқув-масгулот йиғинларини ташкил этиш, уларнинг халқаро мусобақалар-



раш мактабининг юксак салоҳиятини намоёиш этиб, терма жамоамизга 3 олтин, 1 кумуш ва 3 бронза медалини келтирди.

– Бу менин Осиё ўйинларидаги биринчи иштироким ва илк олтин медалимдир, – дейди эркин курашчи Бекзод Абдураҳмонов. – Президентимиз томонидан ёш спортчиларга кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик, оилам ва яқинларимнинг муҳаббатли шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилишимга куч берди.

– Мен Осиё ўйинларига пухта тайёрлик кўрдим, – дейди юнорум курашчиси Рустам Асқалов. – Галаба қозониш осон кечмади. Мамлакатимизда спортчилар учун яратилган қўлай шарт-шароит, давлатимиз раҳбари томонидан уларга берилаётган улкан эътибор ва

Гимнастикачи қизларимиз Анастасия Сердюкова, Жамила Раҳматова, Валерия Давидова ва Разила Фархутдинова юқори тайёрлик ва галабага бўлган катта иштиёқни намоёиш этди. Уларнинг халқа, тўп, булава, лента билан мураккаб машқларни бажариши муҳлису мутахассислар олқишига сазовор бўлди. Мусобақаларга пухта тайёрлик кўрган спортчиларимиз жамоавий баҳсларда Жанубий Корея, Хитой Тайпейи, Япония, Қозғоғистон ва бошқа давлатлар вакилларини доғда қолдириб, мамлакатимизга навбатдаги олтин медалларни келтирди.

– Осиё ўйинларининг голиби бўлганимиздан гоё бахтиёримиз, – дейди Валерия Давидова. – Зеро, бундай нуфузли мусобақаларда шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилиш ҳар бир спортчининг ордусидир. Биз ҳам бунинг жуда хоҳладик ва жиддий тайёрлик кўрдик. Орзуларимиз ушалди. Осиё ўйинларида Ўзбекистон байроғи баланд кўтарилди ва давлатимиз мадҳияси янгради. Энг муҳими шу!

Ёш оғир атлетикачимиз Махлиё Тоғаева беллашувларда ўзининг юксак маҳоратини намоёиш этди.

– Бундай йирик спорт мусобақасида терма жамоамиз ҳисобига дастлабки медални келтирганимдан хурсандман, – дейди М.Тоғаева. – Мусобақада рақобат шунчалик кучли бўлдики, ҳатто Олимпия ўйинлари совриндорлари ҳам медалсиз қолди. Осиё ўйинларидаги муваффақиятим мамлакатимизда спортни ривожлантириш, ёш ва иқтидорли спортчиларни рағбатлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасидир.

Ушбу мусобақаларда энгил атлетикачиларимиз ҳам салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Лондон Олимпиадаси финалчиси Светлана Радзивил баландлик сакраш мусобақасида 1 метру 94 сантиметр натижа кўрсатиб, житойлик рақибини ортда қолдириб ва олтин медални қўлга киритди.

Кумуш медаль соҳиби энгил атлетикачи Леонид Андреев ҳам муҳлису мутахассисларнинг эътирофига сазовор бўлди. У ўзининг юксак маҳоратини намоёиш этиб, 100 метрга югуриш, узоклик сакраш, ядро улоқтириш ва баландлик сакрашда юқори натижалар кўрсатди.

Энгил атлетикачиларимиз Надежда Дўсанова ва Иван Зайцев ҳам мамлакатимиз терма жамоасига иккита брон-

за медали келтирди.

Боксчиларимиз ҳам кўплаб медалларни қўлга киритди. Шаҳобиддин Зоиров ва Исроил Мадрамов кумуш, Ойбек Мамазулов ва Мирзохиджон Абдуллаев бронза медалларига сазовор бўлди.


Эшак эшувчи спортчиларимиз ўзларига билдирилган ишончнинг оқлаб, 5 медални қўлга киритди. Мамлакатимиз терма жамоасининг галабали олимларини иқтидорли спортчимиз Алексей Мочалов бошлаб берди. У 1000 метр масофага байдаркада эшак эшиш баҳсларида Эрон, Қозғоғистон ва Хитой вакилларини ортда қолдириб, Иккинчи бўлиб пойгага икки карра жаҳон чемпиони Вадим Меньков чиқди. У 1000 метр масофага каноэда эшак эшиш баҳсида Қозғоғистон, Хитой ва Жанубий Корея спортчиларидан ўзиб кетиб, маррага биринчи бўлиб етиб келди.

Каноэда жуфтлик пойгаларида қатнашган Серик Мирбеков ва Герасим Кочнев дуэти Осиё ўйинларининг бронза медали совриндори бўлди. Байдаркада эшак эшиш бўйича тўртликлар ўртасидаги пойгада Сергей Борзов, Вячеслав Горн, Алексей Мочалов ва Александр Тропин ҳам бронза медалини қўлга киритиб, муҳлисларни хурсанд қилди. Шу тариқа улар Ўзбекистон байдарка ва каноэчилари Осиёда етакчилардан эканини бутун дунёга яна бир бор намоёиш этди.

– Галаба қозонганимга ҳалигача ишонолмайман, жуда ҳаяжондаман, – дейди Алексей Мочалов. – Аслида олдиндан галабани мақсад қилганим ва мусобақага жиддий тайёрланганим. Ватанимизга яна бир олтин медаль тўхфа қилганимдан бахтиёрман.

Спортчиларимизнинг XVII ёзги Осиё ўйинларида эришган ютуқлари мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантиришга нечоғли улкан эътибор қаратилаётганини яна бир карра намоёиш этди. Истиқлолдан аввал спортчиларимизнинг халқаро мусобақаларда иштирок этишини тасаввур қилиб бўлмасди. Бундай нуфузли мусобақалардаги галабалар ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

Бугун спорт муҳлислари, бутун халқимиз XVII Осиё ўйинларида галаба қозонган спортчиларимизни хурсандчилик ва фахр-ифтихор билан кутиб олмақда.



Осиё ўйинларида Ўзбекистонлик спортчилар бокс, бадий гимнастика, байдарка ва каноэда эшак эшиш, дзюдо, оғир ва энгил атлетика, эркин ва юнорум кураши, сузиш, велоспорт ва бошқа спорт турлари бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди.

▼ МУТОЛАА

САМИМИЯТГА ЙЎҒРИЛГАН ҲАЙРАТ

Бировнинг муваффақиятидан қувона олиш, ундан самимий ҳайратта тушиш, ҳавас қилиш, деҳқонча айтганда, қойил қолиш ва бунга яширмай баралла сўзлаш ёки ёзиш, кўпчиликка етказишга астойдил уриниш яхши одамларга хос оддий, айна пайтда гоят беназир, улуг фазилат. Айниқса, адабиётда, санъатда бундай беғараз хайрихоҳликнинг аҳамияти беқиёс ва бебаҳо. Нафсиламбрини айтганда, самимий ва хайрихоҳлик билан билдирилган ҳолисона танқидий фикр-мулоҳазалар ҳам ижодкорнинг ўсишига, юксалишига хизмат қилади, кўмаклашади.

Шодмон Отабекнинг яқинда “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси томонидан чоп этилган “Адабиёт қисматдир” номли китобини ўқиш баробарида кўпчиликнинг кўнглидан ана шу фикрлар ўтса ажаб эмас. Таниқли адиб ва журналистнинг ушбу тўпламига турли йилларда ёзилган адабий-таҳлилий мақолалари, эсселари, хотиралари ва суҳбатлари жамланган. Муаллиф халқимизнинг муқаддас қадриятларига риоя этган ҳолда мажмуасини устозларнинг табаррук хотирасига ҳурмат-эҳтиром бажо келтиришдан бошлайди. Мирзакалон Исмоилий, Одил Ёқубов, Рустам Раҳмон, Неймат Аминов сингари атоқли адиблар ижодий фаолиятларини таҳлилу тадқиқ этади. Шу билан бир қаторда бебаҳо инсоний фазилатлари ҳақида мушоҳада юритади. Буни улар иштирок этган аниқ воқеалар, яъни муайян кишиларнинг меҳнат фаолияти, шахсий ҳаётига кўрсатган эзгу таъсирлари, қилган гамхўрлик ва ёрдамлари мисолида ҳайрат, завқ, миннатдорлик туйғулари билан ифодалади.

Иккинчи бобдан ўрин олган Рауф Парфи, Шукур Холмирозев сингари улкан шоир ва адиблар ҳақидаги хотиралар шунчаки хотира эмас, балки ушбу

бетакрор истеъдод соҳибларидан ҳар бирининг ўзига хос хусусиятларини, услубларидаги олмос қирраларни очишга, шу баҳонада адабиётда янги бир фикр айтишга интилиш ва шунга эришиш намунаси, десак муболага бўлмас. Дарвоқе, китобдан “Хотира ёзиш масъулияти”, деган гоят жиддий бир мақола ҳам ўрин олганки, унда муаллиф шу савобли ва айна пайтда гоят масъулиятли юмушга виждонан, ростгўйлик билан ёндашиш кераклигини қатъий талаб этади ҳамда бу билан адабиётдаги гоят долзарб ва нозик масалалардан бирини дадиллик билан ўртага ташлайди. Ўзи эса ана шу талабига риоя этган ҳолда ёдномаларида ҳеч кимни, ҳатто айрим устоз-адибларни ҳам аяб ўтирмайди, уларнинг битикларида йўл кўйилган муайян ноаниқликларни рўй-рост баён қилади. Аммо китобдаги мақолалару суҳбатлар оҳангидида ҳолислик, хайрихоҳлик баралла уфуриб тургани боис, анчайин нордон танқидий мулоҳазалар ҳам кўнглига оғир ботмайди.

Ана шу беғараз талабчанлик ёғдуси унинг қахрамон шоиримиз Эркин Воҳидов билан таржимачилик муаммолари ҳақида қилган кенг қамровли ва теран

суҳбатида ҳам, “Адабиёт бозорга мослашадими?”, “Даҳолар ёвуз бўлмайди”, “Инсон вақт исканжасида” сарлавҳали публицистик мақолаларида ҳам, замондош шоир адиб дўстларининг ижоди ҳақидаги тақризу таҳлилларида ҳам, яққол бўй кўрсатиб, унинг мушоҳада йўналишини равшан ёритиб туради. Зеро, бу куйинчақлик замирида буюк аждодларимиз яратган мустаҳкам пойдеворга таянувчи миллий адабиётимизнинг бугунги ва эртанги иморати янада муаззаму муҳташам бўлишига хизмат қилиш истаги ётганлигини англаш қийин эмас. Шу боис, мубоҳис сизни ўз иддаоларига соме этади, ишонтиради, самимиятини юқтиради ва ўзи илгари сураётган замонавий муаммо масалалар устида ўйлашга, мулоҳазани юритишга иштиёқ уйғотади. Мухими, қалбингизга янги ҳақиқатлар, безовта кечинмалар олиб киради, тасаввурларингизни янгилайди.

Мухтасар қилиб айтганда, “Адабиёт қисматдир” китоби жонқуяр қаламкашнинг самимиятга йўғрилган ҳайратлари ҳосиласи ўлароқ завқ билан ўқилади ва қалбингизда бир из қолдиради. Уни мутолаа этганингиздан афсусланмайсиз.

Ҳабиб ТЕМИРОВ



ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

«ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди журналистлар ўртасида «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзuida-ги ижодий танловни эълон қилади. Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида ўтказилади.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ

Танловга 2014 йилнинг 1 январидан 1 декабрига қадар республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжаҳон декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шароит яратишга қаратилган мавзудаги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва босма нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

ТАНЛОВ ГОЛИБЛАРИГА МУКОФОТЛАР

Ғолиблар диплом ва қимматли совғалар (телевизор, ноутбук, планшет) билан тақдирланади.

Материаллар «Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида» мавзuidaги ижодий танловга» деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига 2014 йил 10 декабрига қадар куйидаги манзилга жўнатилади:

Тошкент шаҳри - 100129,
Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават,
5-хона. Телефон/факс: 244-14-28,
244-12-51, www.mmf.uz,
e-mail: fonduz@umail.uz,
mmf.uz@mail.ru.

ТАШКИЛИЙ КЎМИТА

○ Реклама ва эълонлар

ВНИМАНИЮ РУКОВОДИТЕЛЕЙ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

УПРАВЛЕНИЯ БЛАГОУСТРОЙСТВА ГОРОДА АНГРЕНА ОБЪЯВЛЯЕТ ПОВТОРНЫЕ КОНКУРСНЫЕ ТОРГИ ПО ОБЪЕКТУ:

«Реконструкция подъездной автомобильной дороги к заводу по изготовлению кремния расположенного в городе Ангрене Ташкентской области».

Стартовая цена заказчика составляет – 692 382 189 сум с НДС, 576 985 157 сум без НДС.

Срок окончания работ, установленный заказчиком – 30 календарных дней.

Финансирование проекта будет осуществляться за счет Местных бюджетных средств.

В конкурсных торгах могут участвовать с 1 июля 2014 года к конкурсному торгам по выполнению строительно-монтажных работ на объектах, финансируемых за счет централизованных капитальных вложений, допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительно-подрядных организаций.

Организатор торгов: Ташкентский областной территориальный консалтинговый центр по конкурсному торгам и ценообразованию в строительстве Государственного комитета

по архитектуре и строительству Республики Узбекистан.

Заказчик: Управление благоустройства города Ангрена.

Адрес заказчика: Ташкентский область г.Ангрен 9 квартал.

К претендентам на участие в конкурсных торгах предъявляются следующие квалификационные требования: наличие оборотных средств, в размере 20% от расчетной стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора, наличие опыта работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ планируемом к выполнению собственными силами на конкурсном объекте.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных организаций, для оценки их кон-

курсных предложений предусматриваются следующие ценовые преференции для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов по адресу: г.Ташкент, ул. Навои дом 18. 308/311 комнаты. Телефон (факс): 241-15-26, 241-15-32.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации – 150 000 (сто пятьдесят тысяч) сум.

Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент, ул. Навои дом 18. 308/311 комнаты.

Вскрытие оферт состоится по истечении 15 дней со дня опубликования объявления.

Тошкент вил. Ўрта Чирчиқ т.да (реестр № 50, № 214, 31.07.2007 й.) рўйхатга олинган МЧЖ шаклидаги «SEKKO ALLESANDRI» кўшма корхонаси (ИНН 205705450) тугатиш жараёнига киритилди (18.08.2014 й.даги № 8 баённомасига асосан). Давво талаблари 1 ой муддат ичиди Тошкент вил. Ўрта Чирчиқ т. «Истиклол» ҚФЙ Э.Усмонова кўч. 1-уй манзилида қабул қилинади.

«Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри» давлат корхонаси Миробод тумани хизмати томонидан Мамадалиев Юнусжон Юсупович номига Миробод т. Нукус кўч. 79-уй 14-хонадон учун берилган гаров учун маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО «ABDURASHID VA ZIYODA» (ИНН 303021747) расположенное по адресу: Хамзинский р-н ул. Урта Йул д. 108 зарегистрированное ИПСХ Хамзинского р-на (07.08.2014 г., № 005221-07) ликвидируется. С момента гос. регистрации финансово-хозяйственную деятельность не проводили. Решение о добровольной ликвидации протокол собрания № 1 от 25.09.2014 г. Претензии принимаются в течение 1-го месяца по тел.: 518-02-80.

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Агроеконом комплекси
таркибидидаги ҳамда шу
тармоққа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат ТЕШАЕВ, Улугбек УЗУКОВ,
Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ,
Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса
АНОРБЕКОВ, Абдиқабил ТАМИКАЕВ, Маҳмуд
ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир
ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош
муҳаррир ўринбосари), Баҳодир ХОЛИҚОВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муҳиддин
АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Қабулхона – 236-26-50, Котибият – 233-95-17, Аграр масалалари бўлими – 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими – 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими – 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 233-44-43, Факс – 233-44-43, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+99899) 592-62-04; Андижон – (+99899) 630-73-03; Бухоро – (+99899) 401-29-59; Жиззах – (+99899) 310-06-99; Навоий – (+99899) 332-00-88; Наманган – (+99899) 278-95-87; Фарғона – (+99899) 407-76-03; Самарқанд – (+99899) 994-57-08; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99899) 519-86-50; Тошкент – (+99899) 976-39-58; Хоразм – (+99899) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

**Реклама
ва
эълонлар:**

236-26-50,
233-28-04.

ISSN 2010-7031
Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлиги
томонидан 2009 йил 13
февралда № 0020-рақам
билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи
муҳаррир:
Ш.Йўлдошев
Мусахҳих:
Н.РАИМҚУЛОВА
Дизайнер:
Ф.ТОИРОВА

Газета сешанба, пайшанба,
жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-1019,
ҳақми 2 босма табоқ.

Офсет усулида
босилди, қоғоз
бичими А-3.

Манзилимиз:
100000, Тошкент,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй

E-mail:
info@qishloqhayoti.uz

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.00
16097 нусхада босилди. Нашр индекси – 144

Газета тахририятнинг
ўзида компьютерда
терилди ва
саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида босилди.
Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5